


Диннинг аҳамияти



13:13 / 03.08.2020 1768

Иймонсиз, динсиз киши худди шамол эсиб турган жойдаги патга ўхшайди. У бирор бир ҳолатда қарор топмайди. Унинг йўналиши ҳам номаълумдир. У бирор жойда мустаҳкам ўрнашмайди. Иймонсиз, динсиз кишининг қадр-қиймати ва таянчи бўлмайди. У ташвишли, нотинч ва хавотир билан яшайдиган инсондир. У ўзининг ҳақиқатини, нима учун бу дунёга келгани, унга ҳаётни ким бергани ва нима учун бергани, сўнгра вақти келиб нима учун тортиб олишини ҳам англаб етмайди. Иймонсиз, динсиз бўлган бундай инсон худди очкўз ҳайвон ёки ҳалок қилувчи йиртқич кабидир. Унинг очкўзлиги ва ўткир чангалини маданият ва қонуннинг ўзи билан тўғрилаб бўлмайди.

Иймонсиз, динсиз жамиятда цивилизация шуъласи қанчалар порламасин, у жамият ўрмон жамияти ҳисобланади. Унда яшаб, тирик қолиш фазилат соҳиблари ва тақводрлар учун эмас, аксинча, кучли ва шафқатсизлар учундир. Иймонсиз ва динсиз жамиятнинг ҳузур-ҳаловати ва турмуши гуллаб яшнаса-да, у бахтсиз ва худбин жамиятдир. У қадрсиз арзимас жамиятдир. Чунки бундай жамият аъзоларининг мақсади қорин ва шаҳват ғамидан нарига ўтмайди. Шунинг учун Аллоҳ таоло улар ҳақида шундай деган: **«Кофир бўлган кимсалар эса, (дунё лаззатларидан) фойдаланиб, чорва ҳайвонлари еганидек еб-ичурлар».** (Муҳаммад сураси, 12-оят)

Шайх Юсуф Қарзовий

Диний ва дунёвий илмда қанчадан-қанча улуғ зотларни дунёга етиштириб берган бу юртнинг бугунги кундаги айрим фарзандлари диний билими етишмагани сабабли, ўзлари билмаган ҳолда оммавий маданият ва шу каби турли нарсалар таъсирида юқорида зикр қилинган иймонсиз ва динсиз жамиятларга аста-секин тақлид қилиб боришяпти. Бу эса фарзанд билан ота-она муносабати, эр-хотин муносабати, маҳрам-номаҳрам муносабати, ўқитувчи ва ўқувчи муносабати, катта ва кичик муносабати каби ҳаётимизнинг барча муҳим жабҳаларида ўзининг салбий таъсирини кўрсатяпти. Бу муаммоларни ҳал қилишнинг ягона йўли динимизни яхши ўрганиб, унга амал қилишдир. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: **«Мен сизларга икки (улуғ) нарсани қолдирдим. Уларни маҳкам тутсангиз, ҳеч қачон адашмайсиз.** (Бу икки нарса) **Аллоҳнинг китоби ва пайғамбарининг суннатидир».** (Имом Молик раҳматуллоҳи алайҳ Муваттода ривоят қилган). Ҳа, биз ҳидоят ва бахт-саодатга фақат мазкур икки нарса билангина эриша оламиз. Муаммоларимизни ҳам фақат мазкур икки нарса билан тинч ва осон ҳал қила оламиз. Саодатли ҳаёт ҳам фақат мана шу икки нарсага боғлиқ бўлиб, унинг учинчиси йўқдир.

Қудратуллоҳ Сидиқметов